



Ўзбекистон

Ўзбекистонда рўй берадиган даҳшатли хуқуқбузарликлар анча вақтдан бери сақланиб келмоқда. 2004 йилда ҳам ушбу хуқуқбузарликлар дин эркинлиги, ўз фикрини ифодалаш эркинлиги, жамоат ташкилотларга кўшилиш ва йигилиш хуқуқларини ўз ичига олган ҳолда давом этди. Ўзбекистонда суд тизими мустақил эмас ҳамда тергов жараёни давомида ва жазони ўташ мауссасаларида қийноқлар кенг кўламда кўлланилади. Халқаро ҳамжамият томонидан танқидларга учраган Ўзбекистон ҳукумати қийнокларга карши кураш бўйича дастур қабул қилди, лекин ушбу дастур амалиётда деярли ўзгаришларга олиб келмади. Ўзбекистон ҳукумати фуқаролик жамияти гурухлари, оммавий ахборот воситалари, инсон хуқуқлари ҳимоячилари ва сиёсий оппозицион партиялар фаолиятини назорат қилиш, ушбу гурухлар аъзоларини таъқиб остига олиш, уларнинг фаолиятларини тўхтатишга ёки аралашишга қаратилган амалиётини давом эттиromoқда.

2004 йилда икки зўравонлик мисоли бўлган воқеалар Ўзбекистонни ларзага солди – бу март ойи охири, апрель ойи бошларида Тошкент ва Бухоро шаҳарларида содир бўлган портлашлар ва отишмалар ҳамда 30 июль куни Америка Кўшма Штатлари, Истроил давлатлари элчихоналари ва Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси бинолари олдида содир бўлган портлашлар.

Ўзбекистон ҳукумати Америка Кўшма Штатларининг халқаро терроризмга қарши эълон қилинган кампаниясида асосий сафдошлардан бири ҳисобланади, лекин ушбу омил ҳукумат томонидан инсон хуқуқларини қўпол равища бузилишга асос бўлмоқда. Террорчиликда шубҳаланаётган шахслар устидан ўтқазилаётган ноодил суд жараёнлари инсон хуқуқларининг қўпол бузилиши натижаси бўлиб, бу ҳаммаси ноқонуний суд ҳукмларига олиб келади ҳамда террорчиликка қарши курашнинг сай-харакатларини ва қонун устиворлиги тамойилини обрўйсизлантиради.

Диний сабабларга кўра таъқиб остига олиш

Бир неча йиллар мобайнида Ўзбекистон ҳукумати “Ислом фундаментализми” тамғаси остида фуқароларнинг ҳукумат томонидан белгиланган меъёрлардан ташқарига чикувчи исломий эътиқодлари, амаллари ва диний ташкилотларга аъзоликлари учун озодлигидан маҳрум қилиб келмоқда.

1990 йиллар ўртасида Ўзбекистон ҳукуматининг мустақил Исломга карши кураши кампанияси бошланганидан бери ҳаммаси бўлиб қарийб 7,000 киши қамоққа ташланган (“мустақил Ислом” - бу давлат томонидан расман белгиланиб берилган диний ташкилотлар ва меъёрлардан ташқари Ислом динига амал қилиш ва уни ўрганиш). Ўзбекистон ҳукумати, ўз мақсадларига эришиш учун куч ишлатишга давъат этадиган исломий гурухлар билан ўз этикодларини тинч йўл билан ифода этадиган исломий гурухларни фарқламай, мустақил Исломга карши ушбу кампаниясини терроризмга қарши курашиш тамғаси билан оқлаяпти; шу йил март-апрель ойларида бўлиб ўтган портлашлар ва отишмаларни ҳам ҳукumat ўзининг аксил-террор ҳаракатларини янада кучайтиришга омил сифатида баҳолади.

2004 йил бошидан 1 ноябрингача Human Rights Watch расман 241 та диний сабаблар асосида чиқарилган ҳукмларни ҳужжатлаштирган; расмий ҳужжатлаштиришдан четда қолган диний сабаблар билан очилган ишлар ва чиқарилган ҳукмлар сони бундан анча юқори деб таъкидлашга эса етарли асос мавжуд. Милиция диний сабаблар билан қўлга олинган шахслардан керакли кўрсатмалар олиш учун уларга нисбатан қийноқлар ва бошқа ноқонуний усувлар қўллади. Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг қийноқлар ва бошқа ноқонуний усувлар йўли билан олинган кўрсатмаларни далиллар ва исботлар қаторидан чиқариш ҳақидаги карорига карамасдан, судлар судланувчилик томонидан келтирилган қийноқлар ва бошқа ноқонуний усувлар тўғрисидаги арзларни кўриб чиқиши майди ва фақат ноқонуний йўллар билан олинган кўрсатмаларга асосланган ҳолда, судланувчилик узоқ йиллик қамоқ жазоларига ҳукм қилишади.

Ўзбекистонда қамоқхоналар жуда ёмон аҳволда, айниқса диний ва сиёсий сабабларга кўра қамалган маҳбусларга нисбатан муносабат ёмон. Диний маҳбуслар қариндошларининг маълумотларига қараганда, маҳбуслар қамоқхоналарда Президент Каримов номига кечирим сўраб хат ёзишга, ўз диний эътиқодларидан воз кечишига ва ўзларини террорчи деб тан олишга мажбур қилинадилар. Буни бажаришдан бош тортган диний маҳбуслар қамоқхона камераларида калтакланадилар, ҳатто баъзан уларга нисбатан янги жиноий ишлар қўзгатилади.

Терроризм бўйича суд жараёнлари

Март ва апрель воқеалари бўйича қарийб 100 та киши терроризм, қотиллик ва бошқа айловлар билан судланди. Human Rights Watch ва бошқа кузатувчилик қатнашган суд жараёнлари халқаро одил судлов меъёрларига жавоб бермади. Кўпгина судланувчилик террорчиллик ҳаракатларида қатнашганликларидан бош тортишган ва тергов жараёнида милиция ходимлари уларга ҳимоячи ва оила аъзолари билан кўришишни ман қилишгани, улардан зарур кўрсатмаларни олиш учун уларга нисбатан қийноқлар қўллашгани, таҳдид

қилишгани ва босим ўтқазишганини хабар қилишган. Март–апрель воқеаларида қатнашишда хамда Ҳизб ут-Тахрир ташкилотида (Ўзбекистонда ман қилинган, зўрлик ишлатиш тамоилидан холи бўлган халқаро диний ташкилот) аъзоликда айбланаётган Баҳтиёр Мўминов ва у билан биргаликда судланган тўртта шахс қамоқда кўлга олинган вакътлари март ойининг охиридан август ойигача маҳфий сақланганлар. Баҳтиёрнинг суддаги кўрсатмасига биноан у қаттиқ калтакланган ва керакли кўрсатмаларни бериши учун электрошок билан қийноққа дучор қилинган. Судья Б.Мўминовнинг ва бошқа судланувчиларнинг хабарларини текширмасдан, Б. Мўминовни 16 йил қамоқ жазосига хукм этди.

Қийноқлар

Ўзбекистон ҳукумати амалиётда қийноқларга барҳам бериш учун кўзга ташланарли ҳеч ҳаракат қилмади ва БМТ нинг Қийноқлар бўйича Maxsus Ҳисоботчиси томонидан 2002 йил Ўзбекистонга қилинган ташрифидан сўнг чиқарилган тавсияномаларни бажаришда эса энг паст кўрсаткичларни намойиш этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди қийноқлар ва бошқа ноқонуний усуllар йўли билан олинган кўрсатмаларни далиллар ва исботлар каторидан чиқариш ҳақидаги карор қабул қилди. Амалиётда эса судъялар ушбу карорни бажаришмайди. Ўзбекистон ҳукумати қийноқлар ва бошқа ноқонуний ҳаракатларга йўл қўйган ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларини жазога тортилганини таъкидлаб турсада, Human Rights Watch нинг қийноқлар масалалари юзасидан қилган мурожаатлари ҳукумат томонидан мунтазам равишда жавобсиз қолдирилган. Судъялар мунтазам равишда қийноқлар қўлланилиши натижасида олинган ва судланувчининг тергов пайтидаги босимлар натижасида берган кўрсатмаларга асосланиб, ҳукм чиқаришади. Human Rights Watch тергов ва суддан олдин ушлаб туриш жараёнидаги қийноқлар тугрисида ҳам ишончли манбаалардан маълумотлар олиб турибди.

Фуқаролик жамияти вакилларини таъкиб остига олии

2004 йилда Ўзбекистон ҳукумати халқаро нодавлат ташкилотларга ҳам маҳаллий нодавлат ташкилотларга нисбатан қўлланиладиган қаттиқ чекланишларни қўллай бошлади ва шу тариқа фуқаролик жамияти устидан бўлган назоратини янада кучайтириди. 2004 йилда ҳукумат халқаро нодавлат ташкилотлар учун янги рўйхатдан ўтиш ва ўз фаолиятлари тўғрисида ҳисббот топшириш меъёрларини жорий этди; ушбу меъёрларга қўра халқаро нодавлат ташкилотлар энди Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан режалаштирилаётган тадбирларининг мавзуси, жойи, вақти борасида рухсатнома олиши ва бундай тадбирга Вазирлик вакилини ҳам таклиф этиши лозим. Ҳукумат Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қўллаб-қувватлашда улкан ҳисса қўшаётган Очиқ Жамият Институти халқаро нодавлат ташкилотини ёпди хамда оммавий ахборот воситаларини

Human Rights Watch

350 Fifth Avenue, 34th floor

New York, New York 10118-3299

Tel. +1 212 216 1200 Fax +1 212 736 1300

www.hrw.org

ривожлантириш бўйича ишлайдиган халқаро нодавлат ташкилот Интерњюс доирасида тузилган маҳаллий нодавлат ташкилот Интерњюс фаолиятини 6 ойга тўхтатиб қўйди. Мамлакатдаги барча аёллар хуқуқи бўйича ишлайдиган нодавлат ташкилотлар қайтадан давлат рўйхатидан ўтишга мажбур қилинди.

2004 йил давомида Ўзбекистон ҳукумати бирорта ҳам инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотини рўйхатга олмади. Аксинча, бутун йил давомида ҳукумат инсон хуқуқлари бузилиши тўғрисидаги маълумотларнинг тарқалиши олдини олиш ниятида инсон хуқуқлари ҳимочиларини таъқиб остига олди, таҳдид қилди ва қамоққа олди. Ҳукумат вакиллари томонидан ўз фаолиятларини тўхтатиш хақида огоҳлантириш олганликларидан кейин иккита инсон хуқуқлари ҳимоячилари номаълум шахслар томонидан қаттиқ калтакланишиди. 16 феврал куни ҳукумат инсон хуқуқлари ҳимоячиси Муйдинжон Курбоновни қамоққа олди ва 3 кун мобайнида ҳимоячи ва қарндошларига қўрсатмасдан қамоқхонада сақлади. Шу кунлар мобайнида унга нисбатан таҳдидлар бўлди ва у аввалдан уюштирилган хужжатларга қўл қўйишга мажбур этилди. Ўзининг инсон хуқуқлари фаолияти учун Муйдинжон Курбонов курол-яроғларга ноқонуний эгалик қилишда айбланди ва 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилди. Халқаро ҳамжамият танқиди ва ариза натижасида ушбу ҳукм жарима билан алмаштирилди.

Ўзбекистон ҳукумати норозилик кўча намойишлари ўтқазмоқчи бўлган инсон хуқуқлари фаолларини таъқиб остига олишда, қамоққа олишда ва уй қамоғида сақлаб туришда давом этмоқда. Масалан, июнь ойида ҳукумат ерини маҳаллий ҳокимият томонидан ноқонуний равишда тортиб олинишига норози бўлиб, намойиш ўтқазишни режалаштирган фермер Баходир Чориевни ва унинг қариндошларини уй қамоғида ушлаб туриш йўли билан намойиш жойига боришиларини олдини олди. Милиция ходимлари Чориев ва унинг 18 та қариндошларини автобусга ўтиргизиб, Тошкент шаҳрининг чеккасига олиб бориб сўроққа тутган ва уларнинг паспортларини олиб қўйган.

Сайловлар

Ўзбекистонда ҳақиқий оппозицион партиялар мавжуд эмас. Ҳукумат 26 декабрга тайинланган парламент сайловларида қатнашишни мўлжаллаган оппозицион сиёсий партияларни рўйхатдан ўтқазмади. Бирлик оппозицион сиёсий партиясининг рўйхатдан ўтиш учун топширилган хужжатлари бир неча марта Адлия Вазирлиги томонидан қайтарилди ва хужжатлар охирги марта январь ойида топширилганда Вазирлик партия аъзолари рўйхати қалбакилаштирилган, деб иддао қилди. Ушбу масала Ўзбекистон Олий Судига топширилганда эса Суд партияни рўйхатдан ўтқазиш масаласини суд кўриб чиқмайди, деб аризани қайтарди. Қонун ташаббус гурухлари томонидан сайловлар учун мустақил номзодларнинг кўрсатилишини таъкидлаб ўтсада, амалиётда мустақил

номзодлар таъқиб остига олинди, уларга нисбатан таҳдидлар ва ҳар-хил халақит берувчи омиллар уюштирилди, натижада жуда озчилик мустақил номзодлар сайловларда қатнашиш учун рўйхатга олинди. Ҳукумат мустақил кузатувчиларга сайлов участкаларида сайлов жараёнини кузатишга ҳам рухсат бермади. Мамлакат сайлов қонунчилигидаги жиддий камчиликларни, оппозицион сиёсий партиялар рўйхатга олинмаганлигини ва оммавий ахборот воситаларига қўйилган чекловларни таъкидлаб ўтиб, Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик Ташкилотлар ва Инсон Хукуқлари Идораси (ДТИҲИ) бўлажак Ўзбекистон парламент сайловларига чекланган сайловларни кузатиш миссиясини жўнатишга қарор қилди.

Асосий халқаро томонлар

Июль ойида Америка Кўшма Штатлари Давлат Департаменти Ўзбекистон ҳукумати Ўзбекистон - АҚШ ўртасида имзоланган икки томонлама ҳамкорлик шартномасидан келиб чиқадиган инсон хукуқлари борасидаги мажбуриятларини етарли равища бажармади, деган хulosага келди ва шу сабабли Ўзбекистонга АҚШ ҳукумати ёрдами пулидан 18 миллион АҚШ долларини ажратмасликка қарор қилди. Аммо август ойида АҚШ Мудофаа Департаменти ушбу қарордан келиб чиқадиган муҳим хulosаларни эътиборга олмай, мудофаа соҳасида Ўзбекистон ҳукуматига 21 миллион АҚШ доллари ажратилишига қарор қилинганини эълон қилди. АҚШ ҳукумати Ўзбекистон ҳукуматини халқаро терроризмга қарши курашда муҳим ҳамкор сифатида эътироф этиб келмоқда.

Европа Иттифоқи – Ўзбекистон Ҳамкорлиги Кенгаши ўзининг январь ойидаги учрашувида Ҳамкорлик тўғрисидаги Шартноманинг (ҲШ) бажарилиши жараёнини кўриб чиқди. ҲШ сининг асосий талабларидан бири ҳар икки томон ҳукуматлари фуқаролик ва сиёсий хукуқларни кафолатлашидир. Европа Иттифоқи Ўзбекистон ҳукуматидан ушбу талабни бажариш учун аниқ ислоҳотлар ўтқазиш тўғрисида сўз олишнинг уддасидан чиқмади ва муддатидан олдин Ўзбекистонда қийноқлар масаласини ечиш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун кредит ажратиб қўйди; ваҳоланки, бу соҳаларда ютуқлар кузатилмади.

2004 йил март ойида ўзининг бир йил олдин Ўзбекистон ҳукумати олдига қўйилган сиёсий талабномаларини бажариш муддати тугаганидан сўнг Европа Таъмирлаш ва Таракқиёт Банки (ЕТТБ) Дириекторлар Кенгаши Ўзбекистон ҳукуматига тўғридан-тўғри ажратиладиган ёрдам пулини тўхтатиб қўйиш каби мисли кўрилмаган қарорга келди ва Ўзбекистон ҳукумати қўйилган талабномаларни бажара олмади, деб хуроса қилди. Банк фақатгина хусусий сектор, ва жамоат секторига, агар бу тўғридан-тўғри аҳолининг фаровонлигини оширишга қаратилган бўлса ёки қўшни давлатларга фойда келтирадиган бўлса, пул ажратишга қарор қилди.

Human Rights Watch

350 Fifth Avenue, 34th floor

New York, New York 10118-3299

Tel. +1 212 216 1200 Fax +1 212 736 1300

www.hrw.org

Ўзбекистон ҳукуматига талабномалар Банкнинг 2003 йил йиллик мажлисининг Тошкентда ўтқазилишидан икки ойдан камроқ вақт илгари Банкнинг Ўзбекистон учун 2003 йил мамлакат стратегиясида эълон қилинган эди. Сиёсий талабномалар асосан инсон ҳуқуқларига тегишли бўлиб, қуидагилардан иборат: оммавий ахборот воситалари учун юқорироқ сиёсий очиқлик ва эркинлик; мустақил фуқаролик жамияти ташкилотларини рўйхатдан ўтқазиш ва улар учун эркин фаолият юритишга шароит яратиб бериш; БМТ Қийноқлар бўйича Махсус Ҳисоботчисининг Ўзбекистон ҳукуматига бўлган тавсияномаларини бажариш.

БМТнинг Инсон Ҳукуқлари Комиссияси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида мунтазам давом этиб келаётган муаммоларни эътиборга олиб, Ўзбекистон бўйича инсон ҳуқуқлари ҳолатини ўрганиш учун махсус таркиб тузишга қарор қилди. 2004 йили октябрь ойида БМТ Инсон Ҳукуқлари Комиссияси томонидан тайинланган Ўзбекистон бўйича Мухсус Эксперт ахволни ўрганиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрди. У ўзининг кузатишлари бўйича ҳисоботини БМТ Комиссиясининг янаги йиғилишида тақдим этади.